

Аччиқ эътироф



16:30 / 07.10.2019 2593

Ашраф Алий Таҳонавий раҳматуллоҳи алайҳ мавъизаларининг бирида ушбу ҳикояни келтирганлар:

«Инглизлар Ҳиндистонга бостириб келишганида улардан бири ўзига катта ер майдонини сотиб олди. Маҳаллий аҳолидан ишчилар ёллаб, у ерда анҳор қаздирди. Иш жараёнида ишчилардан бир мусулмон киши катта миқдорда олтин топиб олди. Ундан бирор донасига ҳам хиёнат қилмай, ер эгасига келтириб берди. Ер эгаси ҳайрон бўлиб: «Нега бирор донасини ҳам олмай, менга келтириб бердинг, агар билдирмай олиб кетганингда ҳам мен билмасдим?» деб сўради. Ўша мусулмон: «Бу ерлар сизники, шундай бўлгач, ундан чиққан бойлик ҳам сизники. Мен уларни олиб кетсам билмасдингиз, лекин мени кўриб турувчи, охирада мендан ҳаққингизни сизга олиб берувчи Зот бор. Мен йўқчиликка чидайман, лекин охира

азобидан қўрқаман», деди.

Йиллар ўтиб, ўша инглиз ўзи яшаб турган шаҳарнинг судьялигига тайинланди ва унинг ҳузурига бир кишини келтиришди. У қулоғидаги сирғасини тилла деб ўйлаб бир аёлни ўлдирган, кейин билса, сирға тилла эмас экан. Судья у кишига узоқ қараб тургач: «Сен тилла топиб олиб, битта ҳам олмай менга келтирган киши эмасмисан?» деб сўради. У: «Ҳа, мен ўша кишиман», деди. Судья ҳайрон бўлиб: «Ўшанда айтган гапинг эсингдами?» деди. У: «Ҳа, лекин кейинчалик мен ҳам ҳамма қатори сизларга ҳавас қилдим, сизлардек юришга, сизлардек кийинишга, сизларнинг урф-одатингизга тақлид қила бошладим. Охир-оқибат сизларнинг бирингизга айландим», деди. Судья: «Бу сизнинг айбингиз эмас, бизнинг айбимиз. Биз сиз каби динини маҳкам тутган, шариат кўрсатмаларига амал қилган, охиратни ўйлаб, дунё бойликлари арзимас нарсалигини ҳис қилувчи эмасдик. Сизга урф-одатларимизни тарғиб қилдик, уни чиройли қилиб кўрсатдик. Натижада динингизни унутдингиз, иймон-эътиқодингиздан, одатларингиздан воз кечдингиз ва мана шундай жирканч ҳолга келдингиз», деди-ю йиғлаб юборди.

Абдуманнон Абдуллоҳ тайёрлади

«Ҳилол» журнали 3-сонидан